Ушбу сонда:
2 Шикоят текширилди, адолат ўрнатилди — ДЎСТЛАР МАДАДИ
3 TV - ДАСТУРИ
4 ШАНБА - ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 3 феврал, шанба №20 (1034)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

«МАТИЗ» ЯНГИ АСР АВТОМОБИЛИ

Istiqlol bergan imkon

XXI асрнинг дастлабки йили ўзбек автомобилсозлик саноати тарихида янги даврни бошлаб бермокда. Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллиги байрами арафасида мамлакатимиз автомобилсозлигининг гиганти — Асакадаги «ЎзДЭУавто» Ўзбекистон-Корея қўшма корхонаси конвейеридан янги русумдаги «Матиз» автомобиллари чиқарила бошлайди.

Бундан икки йил аввал россиялик ишбилармонлар мамлакатимизга ташриф буюрганларида кўпчиликнинг кўз ўнгида «Матиз» автомобили намойиш этилган эди. Ушанда шундай чиройли автомобилларни юртимизда ишлаб чиқарилишини орзу қилгандик. Бугунга келиб ана шу орзуларимиз ушаладиган бўлди. Энди бундай автомобиллар Асакада ишлаб чиқарилади. Ўзбекистон ва Корея мамлакатлари мутахассислари иштирокида ўтказилган анжуманда янги русумдаги «Матиз» автомобилларини ишлаб чиқариш лойиҳаси муҳокама этилди. Унда сўзга чиққанлар янги лойиҳанинг амалга оширилиши бир-биридан чиройли автомобилларни ишлаб чиқариш, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини ошириш, энг асосийси Асакадаги автогигантнинг обрўсини кўтариш имконини беради, дея таъкидладилар. Кореялик мутахассислар «Матиз» автомобилларини ишлаб чиқариш лойиҳаси билан анжуман иштирокчиларини батафсил таништирдилар.

Яқин-яқинларгача ҳам юртимизда автомобил ишлаб чиқариш афсона эди. Республикамиз Президентининг ташаббуси, ҳукуматимизнинг саъй-ҳаракатлари туфайли Ўзбекистон жаҳондаги автомобил ишлаб чиқарадиган 28 мамлакат қаторидан муносиб жой олди. Мана энди «Нексия», «Дамас», «Тико»лардан кейин янги русумдаги «Матиз» автомобилларини ишлаб чиқариш ҳам ўзлаштирилади. Бу эзгу ниятлар янги аср бошида рўёбга чиқиши ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

— «Матиз» автомобилларини ишлаб чиқариш лойиҳаси давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан бошланган, - дейди биз билан суҳбатда «ЎзДЭУавто» Ўзбекистон-Корея қўшма корхонаси режалаштириш директори Эркинжон Иминов, - лойиҳа корхонамизда йилига 60 минг «Матиз» автомобиллари ишлаб чиқариш имконини беради. Кореядан келган 12 нафар техник мутахассислар билан биргаликда якуний қурилиш-монтаж ишлари режаси қабул қилинди. Унга кўра «Матиз» автомобилларини серияли ишлаб чиқаришни бошлаш шу йилнинг август ойи охирида, юртимиз мустақиллигининг 10 йиллиги байрами арафасига мўлжалланган. Корхонамизнинг бизнес-режасига 2001 йилда 52 минг автомобил ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Шундан 7 мингтини «Матиз» автомобиллари ташкил қилади.

Бу автогигант истиқлол мевасидир. Ўтаётган 10 йилга назар ташласак, жуда кўп тарихий воқеалар жонланади. 1992 йилнинг 24 августида Асакада автомобил заводи қуриш ҳақида шартнома имзоланган бўлса, 1996 йилнинг 19 июлида «ЎзДЭУавто» Ўзбекистон-Корея қўшма корхонасининг халқаро тақдимоти ўтказилди ва биринчи ўзбек автомобиллари ишлаб чиқарилди. Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллигига иқтисодий салоҳиятимиз рамзларига айланган «Нексия», «Тико», «Дамас» автомобиллари сафига янги русумдаги «Матиз» автомобилларининг қўшилиши халқимизни беҳад қувонтиради, албатта.

Муҳаммаджон КАРИМОВ,
Андижон вилоят телерадиокомпанияси муҳаррири.

ҲИНДИСТОНГА ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ

Ҳиндистон Республикасининг Гужарат штатида шу йилнинг 26 январ куни кучли зилзила рўй берди. Дунё аҳли сўнгги 50 йил мобайнида оқибат кўлами жиҳатидан бундай катта табиий офатни кўрмаган эди. Ҳалок бўлганлар, жабрланган ва бошпанасиз қолганлар ўнлаб минг кишини ташкил этмоқда. Айни пайтда бизга дўст давлат - Ҳиндистон халқи улкан маънавий ва моддий йўқотишларни бошдан кечираяпти. Вайронага айланган шаҳар ва қишлоқларда чодирлар, дори-дармон, ичимлик суви ва озиқ-овқат етишмаяпти.

Ўзбекистон аҳли ушбу мудҳиш зилзила ва инсонлар ҳалокати ҳақидаги хабарни чуқур ҳамдардлик билан қабул қилди. Президент Ислом Каримов халқимиз ва ҳукуматимиз номидан ҳалок бўлганлар ва жабрланганларнинг оилааъзоларига, қариндошуруғларига ҳамдардлик билдирди.

Дўст кулфатда билинади, деб бежиз айтилмаган. Ҳукуматимиз 1 феврал куни Ҳиндистон аҳолисига инсонпарварлик ёрдами ажратиш тўғрисида махсус фармойиш чиқарди. Жўнатилаётган инсонпарварлик ёрдами жабрланганларга биринчи навбатда зарур бўладиган чодирлар, замбиллар, кўрпа-тўшак, ётоқ анжомлари, турли матолар, бир маротаба ишлатиладиган система ва шприцлар, энг зарур дори-дармон, шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотларидан иборат. Ҳалокат рўй берган ҳудудда ичимлик суви ниҳоятда танқис бўлиб турганлиги ҳисобга олиниб, 5 тоннадан ортиқ қадоқланган маъданли булоқ суви ҳам жўнатилди. Ҳиндистонга жўнатилган юкнинг асосий қисми - озиқ-овқат, дори-дармон ва бошқа зарур анжомлар Ўзбекистоннинг ўзида тайёрланган.

Инсонпарварлик ёрдами 2 феврал куни Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги вакиллари томонидан Гужарат штатининг Аҳмадобод шаҳри аэропортига етказилди.

- Ҳукуматимиз ва халқимиз Ўзбекистонни ҳар доим ўзига дўст билган, - деди Ҳиндистоннинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Бхаскар Кумар Митра Тошкент аэропортида инсонпарварлик ёрдамини жўнатишга бағишлаб ўтказилган матбуот анжуманида. - Мамлакатимизда юз берган табиий офат оқибатларини бартараф қилишда ҳукуматингиз кўрсатаётган ёрдам ана шу азалий дўстлигимиз мустаҳкам эканини яна бир бор исбот этди. Ўзбекистон ҳукумати, хусусан, Президент Ислом Каримов ва халқингиздан бизга кўрсатилаётган беғараз ёрдам ва ҳамдардлик учун беҳад миннатдормиз.

(ЎзА).

«Шаҳрисабзмебел» ҳиссадорлик жамияти Қашқадарёдаги мебел ишлаб чиқаришга ихтисослашган энг йирик саноат корхонасидир. Буни 2000 йилда вилоятда ишлаб чиқарилган мебел маҳсулотининг тўқсон фоиздан кўпроғи мазкур корхона ҳиссасига тўғри келганидан ҳам билиш мумкин. Шу билан бирга вилоятда кейинги вақтда мебел ишлаб чиқаришга ихтисослашган кичик корхоналар сони ҳам анчагина кўпайиб қолган эди.

МАКТАБЛАРГА МЕБЕЛЛАР

Яқинда вилоят ҳокимлиги халқ таълими муассасаларидаги эскириб, яроқсиз ҳолга келиб қолган мебелларни янгилаш мақсадида танлов ўтказди. Унда 200 миллион сўмлик стол, стул, парта, доска каби мактаб ва коллежлар учун зарур анжомларни тайёрлашга буюртма олиш учун қизғин рақобат бўлди. Пировардида бошқалардан кўра арзонроқ нарх ва қулай муддат таклиф этган «Шаҳрисабзмебел» корхонаси танловда ғолиб чиқди.

ОБУНА — ЭНГ ЯХШИ МУКОФОТ

Sarhisob

«Ишонч» газетаси обуначилари сони ўтган йилга нисбатан қарийб 7 мингтага кўпайди

Инсон ҳамиша эзгуликка талпиниб яшайди. Қиш забтига олиб турган шу чилла кунлари ҳам чеҳраларни баҳорий эпкинлар аста силаб ўтади. Гарчи фасллар келинчагининг тутунган синглиси Наврўзи олам ташрифига талай вақт борлигига қарамай, ҳозирданоқ орзули меҳмонга эҳтиром тадориги бошлаб юборилди. Ахир, Наврўз энг мўътабар, энг қадрли байрамимиз-да!

«Ишонч» газетаси муштарийлари эса бу қутлуғ кунни икки карра орзиқиш ила кутмоқдалар. Сабаби, нақ ўн йил муқаддам, 21 мартда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашрининг нишона сони дунё юзини кўрган. Бугун у ўзига хос ва ўзига мос шакл-шамойилга, ўқувчисига эга бўлиб бораётган экан, албатта, бунда тамал тошини қўйган заҳматкаш журналистлару то шу кунга қадар астойдил қўллаб-қувватлаб келаётган муассисимизнинг хизматлари катта.

Бугун «Ишонч» ўтган йилга нисбатан ўз ўқувчиларини қарийб 7 мингтага кўпайтириб, 20 мингдан ортиқ нусхада чоп этилмоқда. Қувончимиз боисини севимли газеталари обрўсини ошириш, унинг тиражини кўпайтириш орзусида куйиб-пишиб юрган ҳамкасбларимиз яхшироқ ҳис қилишади. Билмадик, бундай йиғин бошқа нашрлар муассислари томонидан ҳам чақириладими, йўқми, ҳар қалай куни кеча Республика касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг раёсати «Ишонч» ва «Ишонч-Доверие» газеталарига 2001 йил учун обунанинг якуни юзасидан ахборотларни тинглаб, тегишли хулосалар чиқарди.

Одатда, ютуқлар ўзимизники, мавжуд камчилик-нуқсонлар ҳақида гапирайлик, дейилади. Яхши гап. Бироқ, кези келганда, муассислик масъулиятини чуқур ҳис қилаётган республикадаги энг оммавий жамоат ташкилотига, жонкуяр кишиларга раҳмат дейишлик ҳам қарз, ҳам фарздир.

Ўзаро ишончга асосланган ҳамкорлик ҳамиша хайрли бўлади. Ташкилотчилик, ҳаёт қайнаган жойда бўлиб, турли соҳа меҳнатчилари билан дилдан суҳбатлашиш, газетанинг мақсад-муддаоларидан бохабар этиш, одамларни ўйлантираётган, тўлқинлантираётган долзарб мавзуларни газета саҳифаларига дадил олиб чиқиш, ўрни келганда, ишловчилар манфаати, ҳақ-ҳуқуқини қаттиқ туриб ҳимоя қилиш самарасини бермай қўймайди, албатта. Хусусан, Сирдарё вилояти касаба уюшма ташкилотлари обуна масаласида яхши кўрсаткичга эришдилар. Шунингдек, Хоразм, Фарғона вилоятлари, Алоқа, Авиация, Агросаноат мажмуи, Қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати тармоқ касаба уюшма ташкилотлари муҳим ишда журналистларга мададкор бўлдилар. Эътиборлиси шуки, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Ҳазорасп, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Чироқчи туман қўмиталари барча обунанинг бир йиллик бўлишига эришдилар. Наманган вилоятида 569 нусха, Қашқадарёда 545, Хоразм вилоятида 456 нусха йиллик тарзда обуна этилиши таъминланди.

Таассуфки, Андижон, Навоий, Сурхондарё вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикасида натижа кутилгандек бўлмади. Мамлакат бўйича 21 мингдан ортиқ бошланғич ташкилоти бўлган Кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик ходимлари касаба уюшмасида бор-йўғи 663 нусхагина обуна бўлинди, холос.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, қаерда янгилик, маънавият ва маърифат элчиси газета-журналлар билан яқиндан ошно бўлинса, ўша жойда иш ҳам олдинга босмоқда. Энг яхши анъаналар ҳаётга чуқур кириб бормоқда, янги ташаббуслар юзага келмоқда. Лўндароқ ифодалаганда, матбуот учун сарфланган маблағ ўн баравар ва ундан зиёд бўлиб қайтмоқда. Биз бунга обуна жараёнида муштарийлар билан учрашувлар чоғида ҳам кўп бор ишонч ҳосил қилдик. Газетхон хоҳиш-истаги биз учун қонун: масалан, эндиликда ўқувчиларга анчайин яқин бўлиб қолган «Ҳуқуқий маслаҳатхона», «Шанба — дам олиш саҳифаси»ни олайлик. Улар асли Китоб туманидаги Рустамова номли ширкат хўжалиги меҳнаткашлари билан мулоқот мевасидир.

— Ўн беш йил мобайнида «Косонсой» сиҳатгоҳида кутубхоначи вазифасида ишлаб, шу ташкилот ихтиёридаги уйда яшаб, газ, сув, электр қуввати ҳамда квартира учун юз фоиз ҳақ тўлардим, - деб ёзади Тилобат Ғофурова таҳririятга. - Газетангизнинг «Биздан сўрабсиз» рукни остида чоп этилаётган ҳуқуқшунос билан савол-жавобларни ўқиб, ўзимга тегишли имтиёзларимни билиб олдим.

Газетачилик ҳам нина билан қудуқ қазишдек гап. Аммо ҳар қанча заҳматли бўлмасин, бизнинг аралашувимиз билан кимдир манфаат топса, ўзимизда йўқ қувонамиз. Хусусан, ўтган бир йил мобайнида касаба уюшмалари билан ҳамкорликда талай савобли ишларга қўл урдик, натижада ишдан ноҳақ бўшатилган ўнлаб меҳнатчилар ўз ўринларига тикланди, пенсия ва товон пуллари ундириб берилди.

Таҳririятга келаётган хатлар оқими кун сайин кўпаймоқда. Гарчанд, уларнинг аксарияти бир ёки бир неча шахс томонидан йўлланса-да, лекин тилга олинган ва ўртага ташланган муаммо ечимидан кўпчилик манфаат топади. Агар бир хат туфайли бирон маҳаллага сув ёки газ келса, демакки, ундан юзлаб хонадонга наф тегади.

Табиийки, ишимизда камчиликлар ҳам йўқ эмас. Олий дид, ўта талабчан газетхонлар кутаётган айрим долзарб масала-муаммолар, мавзулар сустроқ ёритилаётганлиги ҳам рост. Лекин ҳаёт билан тенгма-тенг юриш, айрим ҳолларда илдамроқ қадам ташлаш лозимлигини қалбдан ҳис қилиб турибмиз. Бир сўз билан айтганда, муҳтарам Президентимиз, давлатимиз оммавий-ахборот воситаларига кўрсатаётган юксак эътибор ва меҳрибончиликдан руҳланган ҳолда ёниб-жўшиб ишлаш, тўртинчи ҳокимият деган шарафли номни ҳалол меҳнат билан оқлаш иноқ жамоанинг дил муддаосидир.

ДАСТЛАБКИ МАШҒУЛОТЛАР

Бош Қомусимиз — Ўзбекистон Республикаси Конституциясини пухта ўрганмасдан туриб, ўз ҳақ-ҳуқуқимизни билишимиз ва уни қатъий ҳимоя қила олишимиз мушкул. Шу ва бошқа нуқтаи назардан олиб қаралганда «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғриси»даги Республика Президентининг Фармойиши бағоят муҳим аҳамият касб этади. Унинг амалийлигига эришиш эса ҳаммамиз ва ҳар биримизнинг қанчалик фаол саъй-ҳаракат қилишимизга боғлиқ.

Бухоро вилоят агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитаси раёсати қарори билан Асосий Қонунимизни чуқурроқ ўрганиш бўйича ташкил этилган ўқувлар ўзининг дастлабки самарасини бера бошлади. Қароргa биноан туман ва шаҳарларда бошланғич касаба уюшма ташкилотлари аъзолари ва фаолларидан иборат гуруҳлар ташкил қилиниб, ҳар ойнинг учинчи пайшанба куни машғулотлар олиб борилади. Вилоят ва туман тармоқ қўмиталарида эса ушбу тадбирни ўтказишга малакали мутахассислар жалб қилинди. Уларга белгиланган қоидага мувофиқ тегишли ҳақ тўланади.

Вилоятнинг деярли барча туманларида бўлиб ўтган илк машғулотларда Конституциямизнинг асосий принциплари мавзуида лекциялар тингланди.

Нигора Мирхалилова «Конмит» ўзбек-инглиз қўшма корхонасининг моҳир оператори. Замонавий технологияни моҳирлик билан бошқараётган бу фидокор сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Даврон АҲМАД олган сурат.

Tadbirkor manfaati — qonun himoyasida

ҲОКИМНИНГ «ҒЎР» ҚАРОРИ

фермерларнинг овора-ю сарсон бўлишига олиб келди

Зарбдор туман ҳокими ўзининг 2000 йил 9 декабрдаги қарори билан «Агроучастка» худудида фаолият кўрсатаётган «Қосим-ота», «Ютуқ», «Моҳира», «Шерқўзи-ота» фермер хўжаликлари фаолиятини тугатди. Фермерларга узоқ муддатли ижарага берилган экин майдонлари «Агроучастка» хўжалигига қайтарилди.

Бу қарордан норози бўлган фермер хўжалиги раҳбарлари К.Тошбоев, К.Расулов, Ҳ.Боймуродовлар вилоят адлия бошқармасига ҳақ-ҳуқуқларини тиклаб беришларини сўраб ариза билан мурожаат қилдилар.

Текширишда туман ҳокимлиги адолатсизликка йўл қўйганлиги аниқланди. Бу ердаги масъул ходимлар ноябр ойида юқорида номлари қайд этилган шахсий хўжаликлар раҳбарларидан фермер хўжалигини бундан буён юрита олмасликлари сабабли ижара шартномасини бекор қилишни ва экин майдонларини қайтариб олиш ҳақида ариза ёздириб олишади ва шу аризани асос қилиб юқоридаги қарорни тайёрлашади. 20 ноябр куни, айтиб ўтганимиз каби, «Агроучастка» хўжалиги маъмурияти ўз қарори билан фермер хўжаликларига ижарага берилган ерларни қайтариб олиб, улар билан тузилган ижара шартномасини бекор қилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонунининг 1-моддасига асосан, фермер хўжалиги ўзига узоқ муддатга ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи фермер хўжалиги аъзоларининг биргаликдаги фаолиятига асосланган, юридик шахс ҳуқуқларига эга мустақил хўжалик юритувчи субъектдир.

Фермер хўжалиги бошлиқлари якка тартибда ўзи мустақил қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга эмас. Бундан кўриниб турибдики, ҳоким қарори фермер хўжаликларида умумий йиғилишлар ўтказилмаган ҳолда чиқарилган.

«Ер Кодекси»нинг 24-моддаси, 1-қисмида ер участкасини ижарага олиш шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш тарафларнинг келишуви билан, бундай келишувларга эришилмаган тақдирда эса суднинг ҳал қилув қарори билан амалга оширилиши кўрсатилган. Зарур бўлган тақдирда ушбу Қонун талабидан келиб чиққан ҳолда, Зарбдор туман ҳокимлиги юқоридаги низо юзасидан судга мурожаат қилиши лозим эди.

Туман ҳокими фермер хўжаликлари фаолиятини тўхтатиш, экин майдонларини «Агроучастка» хўжалигига қайтариб бериш ҳақидаги қарорини қабул қилишда Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонунининг 32-33-моддалари ҳамда «Ер Кодекси»нинг 24-моддаси 10-қисми талабларини бузган.

Вилоят адлия бошқармаси юқоридаги камчиликларни бартараф этиш, қонун бузилишларига чек қўйиш мақсадида республика Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 17 февралдаги 57-сонли қарорига асосланиб, Зарбдор туман ҳокими вазифасини бажарувчи А.Каримовга 2000 йил 9 декабрдаги қарорини бекор қилиш, ноқонуний қарор қабул қилинишига йўл қўйган масъул ходимларни интизомий жавобгарликка тортиш, бу борада тегишли чора-тадбирлар белгиланиши юзасидан тақдимнома киритди.

Бу билан бир гуруҳ фермерларнинг оворагарчилигига чек қўйилиб, ҳақиқат қарор топадиган бўлди.

Абдурашид АБДУРАИМОВ,
Жиззах вилоят адлия бошқармасининг бўлим мудири.

Касаба уюшмалари иш тажрибасидан

ЁШЛАРДАН МЕҲРИМИЗНИ АЯМАЙЛИК

Бухоро вилояти касаба уюшмалари тармоқ қўмита ва кенгашлари ёшларни мустақиллик ғоялари руҳида тарбиялаш, уларнинг республикамиз равнақи йўлидаги саъй-ҳаракатларини рағбатлантириш ҳамда қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратаётир.

Юртбошимиз кўрсатма ва талабларидан келиб чиқиб, барча ўқув муассасалари, корхона ва ташкилотларда маънавият хоналари ташкил этилди. Улар Президентимиз асарлари, маънавий меросимизга оид кўплаб қимматли адабиётлар билан таъминланди. Эндиликда кўплаб тадбирлар айни шу масканларда ўтказилмоқда. Чунончи, талаба ёшлар билан «Огоҳликка даъват», «Эгали юрт ўз эркини бермас», «Донишманд халқимнинг мустаҳкам иродасига ишонаман» мавзуларида ўтказилган тадбир ва кечалар бесамар кетмади, деб ўйлайман.

Ёшлар ўртасида эстрада, мақом ва алла жанри бўйича «Ўзбекистон — Ватаним маним» деб номланган кўрик-танловнинг якунловчи босқичи вилоят касаба уюшмалари Кенгашида ниҳоясига етказилиб, унда 20 нафардан ортиқ ёш истеъдодлар аниқланди ва улар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Шунингдек, спортни ривожлантириш, ёшларнинг бўш вақтларидан унумли фойдаланишларига эришиш мақсадида касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти 11 тур бўйича спартакиадаларни уюштирди. Таълим ва фан, агросаноат, қурилиш, соғлиқни сақлаш, маданият, енгил саноат ходимлари ўртасидаги мусобақалар айниқса, уюшқоқлик билан ўтди. Уларда 1,5 мингдан зиёд киши иштирок этди.

Бугунги кунда вилоят касаба уюшмалари тасарруфидаги 3 та қишлоқ, 3 та шаҳар болалар ва ўсмирлар спорт мактабларига 1650 нафар ўғил-қиз жалб этилган. Улар турли спорт мусобақаси ва беллашувларида мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётирлар.

Шавкат Шарипов ана шундай умидли ёшларимиздан биридир. Халқаро тоифадаги бу спортчимиз Сиднейда ўтказилган олимпиада ўйинларида иштирок этди.

Кенгаш жойлардаги касабақўм фаоллари билан ҳамкорликда иш юритиб, ёшларни соғломлаштириш ва дам олишларини ташкил этишга ҳам масъулият билан ёндошишга ҳаракат қиляпти. Хусусан, ўтган йили 617 нафар талаба ёшлар имтиёзли йўлланмалар билан санаторий-профилакторийларда саломатликларини тиклади.

Оромгоҳларда эса 22000 нафарга яқин болалар ва ўсмирларнинг дам олишига эришилди. Ана шу мақсадлар учун касаба уюшмаларининг 90 миллион сўмликдан ортиқ маблағи сарфланди. Ногирон болалар, етим-есирлар, меҳрибонлик уйларининг тарбияланувчилари ҳам меҳр-мурувватдан четда қолишмади. Улар имтиёзли равишда ўз соғлиқларини мустаҳкамлашга эришдилар.

Республика Президенти Ислом Каримовнинг «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббус гуруҳи билан учрашувда сўзлаган нутқидан келиб чиқиб, вилоят Кенгаши ёш авлодга ғамхўрлик кўрсатишни янада кучайтиришга, уларнинг чинакам суянчи ва таянчи бўлишга ҳаракат қилмоқда. Чунончи, мактаб ўқувчилари, коллеж ва лицейлардаги кам таъминланган, боқувчисини йўқотган иқтидорли ўқувчи ёшларга вилоят касаба уюшмаларининг «Ҳавас» йиллик махсус стипендияси таъсис этилди. Вақти-вақти билан хорижда таҳсил олаётган умидли ёшларимиз, олимпиада ҳамда универсиада ғолиблари, Зулфия ва «Ниҳол» мукофотлари совриндорлари билан бир пиёла чой устидаги учрашув, суҳбатлар тадбир иштирокчиларида яхши таассурот қолдирмоқда. Ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишга қаратилган тадбирлар ҳам ўз самарасини бераётир.

Куни кеча ҳукуматимизнинг «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Бу қарор замирида энг аввало, соғлом, баркамол авлод тақдири учун масъуллик ётибди, албатта.

Аслида вақт қадр-қиймати авваламбор, бунёдкорлик режаларининг амалга ошиши билан ўлчанади. Шу боис, «Оналар ва болалар йили»да режалаштирилган қатор тадбирлар ижросини таъминлаш йўлларини излаяпмиз. Бу йил санаторий ва дам олиш уйларига кўплаб «Она ва бола» йўлланмалари ажратилади. Бухоро туман «Дўстлик» ширкат хўжалиги ҳудудида қурилаётган «Оналар ва болалар» санаторийси қурилиши поёнига етказилади. Ёзги мавсумгача вилоятдаги иқтидорли ўқувчилар учун махсус дам олиш оромгоҳи барпо этишни ҳам мўлжаллаб турибмиз.

120 нафар оилали талабаларга манзилли моддий ёрдам кўрсатиш, оилавий бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг кўрик-танловларини ўтказиш, «Отам, онам ва мен — спортчи оиламиз» шиори остида мусобақалар уюштиришни ҳам режамизга киритганмиз. Қисқаси, амалга оширилиши лозим бўлган ишларимиз жуда кўп.

Кечагина инсоният XX асрга комил инсон бўлиш орзусида қадам қўйган эди. Бугун эса у XXI асрга пешвоз чиқди. Истагимиз, унинг дастлабки йили ва кейин ҳам шундай туйғу ёш юракларни асло тарк этмасин.

Шаҳодат ИХТИЁРОВА,
Бухоро вилоят касаба уюшмалари Кенгаши раисининг ўринбосари.

«ПРОПИСКА»ДА БОРМИСИЗ...

Саволингизга ЎзКУФК юридик бўлими меҳнат ҳуқуқи Бош нозири Ҳамидулла Премқулов жавоб беради.



САВОЛ: Тошкент шаҳрига вилоятлардан келган фуқароларга қанча вақт давомида рўйхатга турмай (пропискасиз) яшашга рухсат этилади? Умуман рўйхатга туриш ҳақида маълумот берсангиз.

Файзулла МАЪМУРОВ,
Олот туман агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси раиси.

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисидаги Низомга мувофиқ фуқаролар доимий истиқомат жойида ёки вақтинча истиқомат жойида қайд этилади (рўйхатга олинади).

Қайд этиш (рўйхатга олиш):

- паспортга эга бўлган фуқароларни - паспорти бўйича;
- 16 ёшга тўлмаган, ота-онасидан (васийлардан) алоҳида яшайдиган болаларни - туғилиш гувоҳномаси бўйича;
- Казармалардан, кемалардан ташқарида яшовчи ҳарбий хизматчиларни - ҳарбий қисмлар ва ҳарбий муассасалар томонидан берилган маълумотномалар бўйича;
- Хорижда доимий яшайдиган, вақтинча ва доимий яшаш учун Ўзбекистон Республикасига келган хорижий фуқаролар ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларни - хорижий паспортлари ёки Ўзбекистон Республикасида яшаш учун берилган гувоҳномалари бўйича амалга оширилади.

16 ёшга тўлмаган, ота-оналари (васийлари) билан бирга яшайдиган болалар улар ҳақидаги маълумотларни ота-онадан бирининг (васийнинг) тегишли ҳужжатига киритиш билан қайд этилади.

Бир жойдан иккинчи жойга олти ойдан кўп муддат ва вақтинча яшаш учун келган фуқаролар вақтинча қайд этилади, олти ойгача муддатга келганлар эса, паспортига белги қўйилмаган ҳолда белгиланган тартибда рўйхатга олинади.

МДҲнинг бошқа давлатларидан келган фуқаролар умумий асосда қайд этилади.

Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар қонунда белгиланган тартибда қайд этилади (рўйхатга олинади).

Истиқомат жойини ўзгартираётган, шунингдек, олти ойдан ортиқ муддат вақтинча яшаш учун бошқа жойга таътилга, дала ҳовлига, дам олиш ёки даволаниш учун кетаётган (хизмат сафарига кетаётганлардан ташқари) фуқаролар жўнаб кетишдан олдин истиқомат жойидаги рўйхатдан чиқишлари шарт.

Шаҳарларда, туманларда, шаҳарчаларда, шунингдек, чегара зонасида жойлашган қишлоқларда фуқароларни қайд этиш (рўйхатга олиш) ва рўйхатдан чиқариш билан ички ишлар органлари, қишлоқ жойларида фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари шуғулланади.

Қайд эттириш (рўйхатдан ўтиш) учун фуқаролар:

- белгиланган шаклдаги ариза;
- Паспорт ёки ушбу Низомнинг 26-бандида кўзда тутилган ҳужжатлардан бирини;
- ҳарбий ҳисобга олиш ҳужжатларини тақдим этади.
- Чегара зонасида жойлашган аҳоли пунктларида қайд эттириш ёки рўйхатдан ўтиш учун истиқомат жойидаги ички ишлар органлари чегара зонасига бориш учун белгиланган тартибга мувофиқ олинган шу зонага боришга ижозатнома ҳам тақдим этилади.

Қайд этиладиган (рўйхатга олинадиган) фуқаролар етиб келган кундан бошлаб уч кун муддатда паспорт ишларини юритишга ваколатли шахсларга қайд этиш (рўйхатга олиш) ҳужжатларини тақдим этишлари шарт. Рўйхатдан чиқиш учун ҳужжатлар рўйхатдан чиқадиган жойдаги шундай шахсларга топширилади.

Фуқаролардан олинган ҳужжатлар уч кун ичида, қайд этиш (рўйхатга олиш) ва рўйхатдан чиқариш билан шуғулланувчи органга топширилиши зарур.

Шаҳарларда, шаҳарчаларда, қишлоқ жойларида уй-жой майдони қанчалигидан қатъи назар, қуйидагилар қайд этилади:

- Эр-хотин бир-бирининг уй-жой майдонига;
- балоғатга етмаганлар ва васийликдаги шахслар - ота-она ва васийларнинг уй-жой майдонига;

оила қурмаган ёки никоҳдан ўтмасдан туриб балоғатга етмаган фарзандлари бўлган катта ёшдаги фарзандлар - ота-оналарининг уй-жой майдонига;

- ота-оналар — фарзандларининг уй-жой майдонига;
- балоғатга етмаган, ота-онаси бўлмаган туғишган ака-ука, опа-сингиллар, шунингдек, меҳнатга лаёқатсиз туғишган ака-укалар, опа-сингиллар, агар уларнинг ўз оилалари бўлмаса, ёшидан қатъи назар - акаси, укаси, опаси, синглисининг уй-жой майдонига;
- илгари мазкур аҳоли пунктида яшаган, меҳнат шартномаси билан ишлаш ёки якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланиш учун вақтинча бошқа жойга кетган шахслар, шунингдек амалдаги қонунчиликка мувофиқ вақтинча бошқа жойга кетганда уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқи сақланиб қоладиган фуқаролар - олдинги истиқомат жойига ёки қариндошларининг уй-жой майдонига;
- озодликдан маҳрум этиш тарзидаги жазони ўташдан ёки қамоқдан озод қилинган шахслар - олдинги истиқомат жойига, ҳукм чиққунга қадар яшаб турган жойидаги ўз оила аъзоларининг, қариндошлари ёки бошқа шахсларнинг уй-жой майдонига;
- муддатли хизмат тугаганидан сўнг Қуролли Кучлар сафидан бўшатилган ҳарбий хизматчилар, агар улар ҳарбий хизматга ушбу аҳоли пунктидан чақирилган бўлса, - олдинги истиқомат жойига, ёки ота-онаси, ёхуд бошқа қариндошларининг уй-жой майдонига;
- зобитлар сафидан захирага ёки истеъфога чиққан шахслар, прапоршиклар, мичманлар ва Қуролли Кучларнинг, ички қўшинлар ва миллий хавфсизлик хизматининг муддатга қўшимча хизмат қилаётган ҳарбий хизматчилари, Ички ишлар вазирлигининг бошлиқлар ва оддий ходимлари сафида бўлган шахслар (оила аъзолари билан) - захирага ёки истеъфога чиққанларнинг ота-онаси ёки рафиқаси ёхуд белгиланган тартибда уй-жой олгунга қадар - бошқа шахсларнинг уй-жой майдонига;
- ҳақиқий ҳарбий хизматда муддатга қўшимча хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчилар, Қуролли Кучларнинг, Миллий хавфсизлик хизмати органларининг, чегара қўшинлари ва ички қўшинларнинг прапоршиклари, мичманлари ва зобитлари, Ички ишлар вазирлигининг бошлиқлар сафига кирувчи шахслар (оила аъзолари билан) - белгиланган тартибда уй-жой олгунга қадар бошқа шахслар ёки ҳарбий қисмнинг уй-жой майдонига ёки ҳарбий ўқув юрти ёхуд Мудофаа вазирлигининг, Миллий хавфсизлик хизматининг ва Ички ишлар вазирлигининг ўзга ташкилотлари жойлашган ерга;
- зобитлар сафидаги шахсларнинг, прапоршикларнинг, мичманларнинг, муддатга қўшимча хизмат қилаётган ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари - ҳарбий хизматчи янги хизмат жойида уй-жой олгунига қадар - ҳарбий хизматчиларнинг қариндошлари ёки турмуш ўртоғининг қариндошлари ёхуд бошқа фуқароларнинг уй-жойига;
- ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчилари, талабалар, аспирантлар, докторантлар, белгиланган тартибда олий ёки ўрта махсус ўқув юрти қаторига киритилган ўқув юртларининг адъюнктлари, ординаторлари, илмий-тажриба оширишга келган шахслар; ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ёки малака ошириш курсларининг тингловчилари, шунингдек, уларнинг оила аъзолари - ўқиш даврида ўқув юртларининг, идораларнинг, қариндошлари ва бошқа шахсларнинг уй-жой майдонига;
- фаолияти доимий ҳаракат билан боғлиқ шахслар (кема экипажларининг аъзолари, геологияқидирув партияларининг, экспедицияларнинг ходимлари ва шу кабилар) - иш вақтида тегишли кемачилик, бошқарма, геология-қидирув партиялари, экспедициялари асосий базаларининг, қурилиш-монтаж, ишга тушириш-созлаш ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар жойлашган манзилга;
- ҳокимликларга, шунингдек, ички ишлар органларига асос мавжуд бўлган тақдирда мазкур Низомда кўзда тутилмаган ҳолларда ҳам фуқароларнинг ички ишлар органларида қайд этилишига рухсат қилиш ҳуқуқи берилади.

Қайд этиш ва рўйхатдан чиқариш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаган миқдорда ҳақ олинади.

Чегара зонасида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва бошқа шахсларнинг истиқомат жойини танлашида чеклашлар қўйилади. Ушбу бандда белгиланган чеклаш амал қиладиган жойларда қайд этиш (рўйхатга олиш)га рухсат берилмаган шахслар бу ерларда жойлашган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга ишга олиниши мумкин эмас. Фуқароларнинг мазкур жойларда вақтинча бўлиши тартибини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ республиканинг айрим жойларида фуқароларнинг саломатлиги ва хавфсизлигини (табиий офатлардан, эпидемиялардан, катта авариялар, фалокатлар, оммавий тартибсизликлар ва шу кабилардан) сақлаш мақсадида бу жойларда фуқароларнинг бўлиши вақтинча чеклаб қўйилиши мумкин.

Хусусийлаштирилган уй-жой ва хусусий мулк тарзида ўзига тегишли уй эгалари ўз оила аъзоларини, Ўзбекистон Республикаси фуқароларини, хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ўзига қарашли уй-жойда яшашини қайд эттиришга ҳақлидирлар.

Суднинг фуқарони яшаб турган уйидан кўчириб юбориш ёки бундай иморатдан фойдаланиш ҳуқуқи ўз кучини йўқотгани ҳақида ажрими қонуний кучга кириши муносабати билан фуқаронинг яшаш жойига қайд этилиши бекор қилиниши лозим.

Фуқароларга ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тақдим этган ва шу маълумотлар қайд этишга (рўйхатга олишга) асос бўлган тақдирда, мансабдор шахслар қайд этиш (рўйхатга олиш) масаласини ҳал қилиш чоғида ғайриқонуний ҳаракат қилганда ва қайд этиш тартиби ва шартлари бузилган бошқа ҳолларда уларнинг уй-жойига қайд этилгани ҳолати бекор қилиниши мумкин.

Машғулот тури доимий ҳаракатда бўлиш билан боғлиқ шахслар (экипажлар, кемалар аъзолари, геология-қидирув партияларининг ходимлари ва шу кабилар) ташкилот жойлашган манзилда қайд қилинади (рўйхатга олинади) ва чиқарилади.

Озодликдан маҳрум этишга ёки қамоқ жазосига ҳукм қилинганлар шу шахслар хусусида чиқарилган ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг қайддан чиқарилади.

(Давоми бор).

ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ



ФАРЗАНДИМ ШИФО ТОПДИ

Инсон зоти борлигида қадрига етмайдиган нарсалардан бири соғлиқдир. Аммо, бошинг тўшакка етганда саломатлик туман бойлик эканини ҳис қилиб қоларкансан. Ўғлим Санжаржон нотоб бўлиб қолмаганда, эҳтимол, мен ҳам бундай фикрларга бормаган бўлардим. Бироқ, ёзуғи шу эканми, кутилмаганда ўғилгинам йиқилиб, бошидан оғир жароҳат олди. Кунлар эмас, йилларни унинг саломатлиги йўлида бедор ўтказдим. Кўрсатмаган табибим ҳам, дардимни дастурхон қилмаган ҳабибим ҳам қолмади.

Агар дард тузаламан деса табиб ўз оёғи билан келади, деган гап тўғри экан. Дўсти-ёрларнинг маслаҳати билан ўғлимни Республика нейрохирургия илмий маркази шифохонасига ётқиздим. Марказ директори профессор Марат Қориев, III нейрохирургия бўлими илмий раҳбари Марат Мирзабоев ҳамда даволовчи врач Абдуҳалил Номозовларнинг саъй-ҳаракатлари билан ўғлим кундан-кун ўз саломатлигини тиклай бошлади.

Республикада донғи кетган машҳур ҳакимлар тавсия қилган дори-дармонлар ўғлимга жисмоний қувват ато этган бўлса, Фотима Ниёзова ва Олия Ўзмамбетова каби ширинсухан ҳамшираларнинг дил сўзлари Санжаржонга руҳий мадад бўлди. Яратганга шукрки, бугунги кунда Санжаржон йиллар давомида азоб берган оғриқдан фориғ бўлиб, яна олдинги ҳолатига қайтди.

Мен бунинг учун аввало, Истиқлол берган имкон туфайли ривожланиб бораётган тиббиётимиз ходимларига, қолаверса, Республика нейрохирургия илмий маркази шифокорларига чин дилдан миннатдорчилик билдираман.

Қирмиз ЧОРИЕВА,
Сурхондарё вилояти Узун тумани.

Андижон вилоят педагогик ходимлар малакасини ошириш институти ёшлар онгига миллий ғоя ва миллий мафкурани сингдириш ишида фаол иштирок этиб келмоқда.

ҚИММАТЛИ ҚЎЛЛАНМА

Институт педагогик жамоаси яқинда хайрли ишга қўл урди. Бу ерда «Миллий мафкура — миллат келажаги пойдевори» номли рисола тайёрланиб, чоп этилди ва мактабгача тарбия муассасалари, мактаблар ҳамда кутубхоналарга тарқатилди. Унда мафкуравий сиёсатнинг ижтимоий ҳаётимиздаги ва иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишдаги ўрни, миллий истиқлол ғояси, унинг асосий тамойиллари, уларни ёш авлод онгига сингдириш йўл-йўриқлари ҳақида гап боради.

Рисола маҳаллий мисолларга бойлиги, савол-жавоб тарзида равон тилда ёзилгани учун ҳам ўқитувчи ва тарбиячи ходимлар ундан қўлланма сифатида фойдаланмоқдалар.

Шикоят текширилди, адолат ўрнатилди

ДЎСТЛАР МАДАДИ

Қизириқ туманидаги «Хўжаипок» ичимлик суви ишлаб чиқариш ва таъмирлаш бошқармаси ишчиси Наби Абдуллаев қатор йиллардан буён сидқидилдан меҳнат қилиб, бой тажриба тўплаган. Унинг яна бир фазилати камчиликларга нисбатан муросасиз курашади. Йиғилишларда сўз олиб маъмурият, касаба уюшмаси томонидан йўл қўйилаётган баъзи камчиликлар, ечимини кутаётган муаммолар ҳақида атрофлича фикр юритади. Ҳақиқатни юзага чиқариш йўлида раҳбару мутахассислар билан талашиб-тортишишдан ҳам чўчимайди.

Табиийки, бундай тўғри сўз кишилар ҳамма раҳбарларга ҳам ёқавермайди. Очиқроқ айтганда, имкон бўлди дегунча, улардан қутулишга ҳаракат қиладиган етакчилар ҳам йўқ эмас. Мазкур жамоада худди шундай бўлди. Бошқарманинг собиқ раҳбари М.Сувонов ўтган йилнинг ноябрида Наби Абдуллаевни ноқонуний ишдан бўшатди. Таъкидлашларича, бу кўпчиликни ҳайратга солди. Ҳақ-ҳуқуқини билган ишчи адолатни юзага чиқариш учун қатъий ҳаракат қилди. У ариза билан Сурхондарё вилоят Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитасига мурожаат этди. Мутахассислар инсон тақдирига масъулият билан ёндошдилар. Бошқармада бўлиб, ишчи-хизматчилар билан суҳбатлар ўтказилди, уларнинг фикр-мулоҳазалари адолатни тиклашда муҳим рол ўйнади.

Текшириш жараёнида шунарса маълум бўлдики, бошқармада ҳатто ички меҳнат тартиб-қоидалари ишлаб чиқилмаган. Меҳнат Кодекси талабларига зид равишда иш берувчи билан ходимлар ўртасида меҳнат шартномалари тузилмаган. Боз устига, меҳнат низолари бўйича комиссия фаолият юритмаган. Меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқининг устувор ҳимоячиси бўлмиш бошқарма касаба уюшма қўмитаси эса негадир томошабин бўлиб турган.

Вилоят касаба уюшма қўмитаси бошқарма маъмурияти олдига ишчи Н.Абдуллаевни ўз ўрнига тиклаш масаласини кўндаланг қўйди. Кўп ўтмай мақсадга эришилди. Жабрланувчига ишга мажбурий чиқмаган даври учун ўртача иш ҳақи тўланадиган бўлди.

— Ҳақ қарор топишига ишонардим, - дейди Набижон ака. — Бунда қатъиятли, бошқарма шаъни учун қатъий туриб курашадиган ҳамкасбларимнинг муносиб ҳиссаси бор. Яхшилар ҳамиша бор бўлсин.

Р.ДАВЛАТОВ,
«Ишонч» мухбири.

ҚИШЛОҚДА САНОАТ ОДИМИ

Урганч туманининг Ғойбу қишлоғида хорижий инвестиция иштирокида сут заводи ишга туширилди. Завод Исроилда ишлаб чиқарилган замонавий ускуналар билан жиҳозланган.

Бу ерда бир сменада икки тонна сут қайта ишланиб, ундан саккиз турдаги маҳсулот, жумладан, йогурт, қаттиқ ва юмшоқ пишлоқнинг бир неча навлари, пастеризацияланган сут ишлаб чиқарилмоқда.

Вилоятнинг Гурлан туманидаги «Гулистон» ширкат хўжалигида ҳам шундай кичик корхона ишга туширилди. Улар чекка қишлоқларда қўшимча ишчи ўринлари ташкил этиш, Хоразмда фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга хизмат қилади.

TV дастури

5 - 11 феврал

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

ДУШАНБА, 5

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Таҳлилнома».
8.45, 17.55 ТВ- маркет.
8.50 Улуғ аждодларимизга эҳтиром «Ўзбектелефильм» намойиши: «Абдухолиқ Ғиждувоний».
9.00 2001 йил - Оналар ва болалар йили. «Меҳр нури ёғар доим». Мусиқий дастур.
9.35, 12.35 ТВ-метео.
9.40 «Санъат олами».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 Кундузги сеанс: «Ҳаёт учун хавфли». Бадиий фильм.
11.30 Дони Зокиров номидаги халқ чолғулари оркестрининг концерти.
12.05 «Булутли йўлкаларда сайр». Мультфильм.
12.15 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
12.40 Яккама-якка жанг. Каратэ.
13.00 «Оталар чойхонаси».
13.45 ТВ-1 намойиш этади.
14.10 «Олам». Телеальманах.
14.50 «Қишлоқ ҳаёти».
15.05 «Бор эканда, йўқ экан». Бадиий фильм.
16.25 ТВ-анонс.
16.30 Лирик тароналар.
17.00 Болалар учун. «Кўзмунчоқ».

17.20 ТВ-интернет.
17.25 «Зиё» студияси намойиш этади: «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида».
18.10 «Ғозу - турналар». Мультфильм.
18.30 «Мусиқий альбом».
18.35 «Тафсилот».
18.50 «Бахтли воқеа». Телелотерея.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.35 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Биржа ва банк хабарлари».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Қалбингиз қўшиққа тўлсин». Мусиқий дастур.
21.40 «Маънавият» дастури: 1. «Мужда». 2. «Халқ севган достонлар». 3. «Умр мазмуни».
22.40 «Гиёҳвандлик - аср вабоси».
22.55 «Миллионлар ўйини».
23.15 «Ахборот».
23.50 Тунги сеанс: «Биринчи қалдирғоч». Бадиий фильм.
1.00-1.05 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

10.55 Кўрсатувлар дастури.
11.00 «Давр». Ҳафта ичида».
11.40 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал. 23-қисм.
12.05 Мусиқий лаҳзалар.
12.15 «Янги авлод» почтаси, «Уй вазифаси».
12.45 «Саломатлик сирлари».
13.05 «Ёшлар овози».
13.25 «Қудуқ тубидаги фарёд». Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқий театрининг спектакли.
14.35 Жаҳон жуғрофияси: «Парвоз ваҳимаси».
15.45 «Она билан бола - гул билан лола». Мусиқий дастур.
16.00 «Шов-шув». Телесериал.
17.40 Кўрсатувлар дастури.
17.45 «Янги авлод» студияси: «Қўшиқ бизга ҳамроҳ».
18.05 «Камолот». Ҳаваскорлар телевизион танлови.
18.25 «Қишлоқдаги тенгдошим».
18.45 «Оқшом наволари».
18.55, 21.55 «Иқлим».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва Эколаш.
19.35 «Эрта сўнган юлдузлар».
19.55 «Ёшлик наволари».
20.10 «Ёшлар овози».
20.30, 21.25, 22.30 Эълонлар
20.35 «Кавинтон Кросс». Телесериал.
21.30 «Бир пиёла чой устида».
